



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

Х.Мадаминов

“5” *февраль* 2018 йил

Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Хоразм вилояти статистика бошқармаси таркибидаги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи тезкор ахборотларни чиқариш тизимининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги ҳамда “Хоразм вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомларга ва мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида ва Хоразм вилояти статистика бошқармаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича амалга оширади, статистика бошқармаси бошлиғига бўйсунди.

5. Бўлим ўз фаолиятини статистика бошқармасининг бошқа таркибий бўлинмалари ва ҳудудий статистика органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) **йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий статистика ахборотларини шакллантириш, умумлаштириш ва чиқариш соҳасида:**

Хоразм вилояти бўйича, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий ахборотларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда тайёрлаш;

йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштириш, шакллантириш ва чиқариш.

б) статистик ахборотлар ва тўпламларни тайёрлаш, фойдаланувчиларни статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

статистик ахборотлар ва тўпламларни шакллантириш, бу борада тегишли бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар ва тўпламлар билан таъминлаш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Хоразм вилояти бўйича, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичларни шакллантириш бўйича жадваллар макетини тайёрлайди;

Бўлимлар ва ҳудудий статистика органлари томонидан йиғма-ахборот маълумотларини белгиланган макетлар асосида шакллантириш ишларини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

Бўлимга тақдим этилган статистик ва иқтисодий-таҳлилий ахборотлар асосида ойлик, чорақлик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштиради, шакллантиради ва белгиланган тартибда чиқаради;

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ва бошқарма раҳбариятининг топшириғига асосан статистик ахборотлар ва тўпламларни шакллантиради;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, бошқарма раҳбариятининг топшириғига ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар ва тўпламлар билан таъминлайди;

ҳудудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлимда статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Статистика бошқармасининг бўлинмаларидан, ҳудудий статистика органларидан белгиланган тартибда Бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

йиғма-ахборот маълумотларининг таркиби ва тузилиши бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар бериш;

Бўлимга тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичларни тайёрлаш ва чиқариш муддатларини кискартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

9. Бўлим: ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси, бошқарма раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, статистика бошқармасининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари билан келишилади ва Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

11. Бўлимга Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма бошлиғи билан биргаликда Бўлим ишларини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

12. Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:


Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;


Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

**Бошқарма бошлиғининг
биринчи ўринбосари**



А.Ўтамуратов

Бошқарма ҳуқуқшуноси



У.Бекдурдиев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи

 Х.Мадаминов

“4” февраль 2018 йил

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар
бўлими бошлиғининг лавозим
йўриқномаси (М.Султанмуратов)**

1. Функционал вазифаларига мувофиқ статистика соҳасига оид барча материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистик органлари вазифаларини амалга оширишда таклифлар тайёрлашда иштирок этади ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга, бошқарма буйруқлари ва қарорларига, “Хоразм вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, шунингдек, “Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур йўриқномага асосланиб иш юритади.

3. Бўлимда бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

4. Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

5. Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

6. Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни таксимлайди;

7. Статистика бошқармасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек раҳбариятнинг топшириғига биноан бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

8. Статистик кўрсаткичларни ишончлилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлаш;

9. Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган

вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

10. Статистика бошқармасининг ва Бўлимнинг жорий ва истикбол иш режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

11. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

12. Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

13. Хоразм вилоят статистика бошқармаси расмий сайтида жойлаштирилладиган маълумотларни тайёрлашда иштирок этади.

14. Бўлим кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

15. Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиши;


16. Иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

17. Бўлим бошлиғи вақтинчалик ишда бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш мажбуриятини оламан:

04.01.2018 й. Султанмуратов. М. Селф

Бошқарма бошлиғининг
биринчи ўринбосари



А. Ўтамуратов



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Хоразм вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи**

Х.Мадаминов Х.Мадаминов

4 “*январь*” 2018 йил

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий
ишлар бўлими бошлиғи ўринбосарининг лавозим
йўриқномаси (Э.Ахмедов)**

1. Функционал вазифаларига мувофиқ статистика соҳасига оид барча материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистик органлари вазифаларини амалга оширишда таклифлар тайёрлашда иштирок этади ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, бошқарма буйруқлари ва қарорларига, “Хоразм вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, шунингдек, “Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур йўриқномага асосланиб иш юритади.
3. Илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳаси амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади.
4. Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бўлинмаларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади.
5. Статистика соҳасига оид давлат статистика ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
6. Бошқарма бошлиғи топшириғига асосан ўтказиладиган семинар ва йиғилишларда иштирок этади;
7. Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарма бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимлари билан ҳамкорлик қилади.
8. Статистик маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ҳолисоналигини экспертизадан ўтказишда иштирок этади.

9. Тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлайди.

10. Тасдиқланган макетларга асосан тарқатиладиган асосий статистик кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотни киритиш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради.

11. Берилган топшириқларни ижросини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларни бошқарма таркибий бўлинмаларидан, шунингдек, туман ва шаҳар статистика бўлимларидан олади ва улар билан ҳамкорлик қилади.

12. Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди.

13. Бўлим бошлиғи ўринбосари вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим бош мутахассиси бажаради.

14. Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради.

15. Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

• Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш мажбуриятини оламан:

04.01.2018ч

Ахмедов Эркин Отабеков

А.Ўтамуратов

Бошқарма бошлиғининг
биринчи ўринбосари

А.Ўтамуратов

А.Ўтамуратов

Бўлим бошлиғи

М.Султанмуратов

М.Султанмуратов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Хоразм вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи**

 **Х.Мадаминов**

“ 4 ” Январь 2018 йил

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий
ишлар бўлими бош мутахассисининг лавозим
йўриқномаси (М.Собирова)**

1. Функционал вазифаларига мувофиқ меҳнат соҳасига оид материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистик органлари вазифаларини амалга оширишда таклифлар тайёрлашда иштирок этади ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, бошқарма буйруқлари ва қарорларига, “Хоразм вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, шунингдек, “Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур йўриқномага асосланиб иш юритади.

3. Статистика соҳасига оид бўлган услубий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади ва такомиллаштириш бўйича таклифлар беради.

4. Берилган топшириқлар бўйича маълумотларни ўз вақтида йиғади, синчковлик билан текширади.

5. Статистик ахборотлар, бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун тайёрланган статистик маълумотларни текширишда, таҳлил этишда иштирок этади.

6. Берилган топшириқларни ижросини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларни бошқарманинг таркибий бўлинмаларидан олади ҳамда улар билан ҳамкорлик қилади.

7. Бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди.

8. Ягона давлат интерактив хизматлари портали орқали бошқармага келиб тушадиган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқилиши ва жавоб тайёрланишини таъминлайди.

9. Хоразм вилоят статистика бошқармаси расмий сайтида жойлаштириладиган маълумотларни тайёрлашда, таҳлил этишда иштирок этади.

10. Иш жараёнида аниқланган камчиликлар тўғрисида бўлим бошлиғига ахборот киритади ва уни бартараф этиш бўйича таклифлар беради.

11. Бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибни ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди.

12. Бош мутахассис вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим етакчи мутахассиси бажаради.

13. Бўлимда иш юритишни ташкил этади, бўлим фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва ёзишмалар билан ишлайди.


14. Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради.

15. Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш мажбуриятини оламан:

04.01.2018г. Собирова Мохира Султ

Бошқарма бошлигининг
биринчи ўринбосари



А.Ўтамуратов

Бўлим бошлиғи



М.Султанмуратов